O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 7 май, шанба • №37 (11.736) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ ҳамда аҳолининг ўз эҳтиёжлари учун уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилишга якка тартибда қарз олувчиларга имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш учун молиявий маблағларни жалб этиш ва жамлаш мақсадида:**

1. Қуйидагилар Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

ипотека кредити беришни ривожлантириш учун халқаро ва хорижий молия институтларининг узоқ муддатли кредитлари, инвестиция ҳамда грантларини, Жамғарма маблағларини тўлдирадиган бошқа манбаларни жалб этиш ва жамлаш;

ипотека кредити беришда иштирок этадиган «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки ҳамда бошқа банклар (бундан буён матнда банклар деб юритилади) якка тартибда қарз олувчиларга ўз эҳтиёжлари учун уй-жойлар қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилишга (бундан буён матнда якка тартибда қарз олувчилар деб юритилади)

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

2005 йил 7-8 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига ташрифи бўлади.

Давлатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда ҳамда МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этади.

## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 2005 йил 10-12 май кунлари Корея Республикаси Президенти Но Му Хён давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф асносида бўладиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Корея муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамда ўзаро алоқаларнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама этадилар. Томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

## • 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни



# ИНСОН АЗИЗ

**Биз болалигимизда қизиқиб томоша қиладиган уруш ҳақидаги фильмларни негадир отамиз хушламас эдилар, айримларини кўриб хомуш тортиб қолган пайтлари ҳам бўларди. Баъзан кинодан таъсирланиб, «ҳақиқатан ҳам шундай бўлганми?» деган саволимизга раҳматли маъюс ҳолда «урушни биз кўрдик, сизлар кўрманглар, тинчликнинг қадрига етинглар», деб жавоб берардилар. Орадан йиллар ўтиб, оқ-қорани таниб қолганимизда, умрининг олти йилини жанггоҳларда ўтказган отамизнинг бу машъум воқеалар ифодаланган фильмларга бўлган муносабатини тушуниб етгандек бўлдик...**

Биз мустақиллик йиллардагина дунёдаги кўп халқлар бошига кулфат ва фожиалар ёғдирган бу машъум урушнинг оқибатларини, унинг халқимиз бошига солган оғир мусибатларини чуқур англаб етдик. Уруш ва у келтирган офатлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этила бошланди. Фашизм устидан қозонилган ғалабани бир халқнинг номи билан боғлаш, воқеаларни бирёқлама талқин этиш барҳам топди. Уруш ва унинг тарихи ўзлигимизни англашга, ундан сабоқ ва хулосалар чиқаришимизга хизмат қила бошлади.

Шу маънода Президентимизнинг 9 майни мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш ҳақидаги ташаббуси айни халқимиз дилидаги иш бўлди. Олти йилдан буён нишонлаб келинаётган ушбу байрам жуда теран маънога эга. Чунки, бу кун Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган минглаб ота-боболаримиз хотираси ёдга олинади, уруш давридаги оғир жангу жадалларни бошидан кечирган, фронт ортида машаққатли меҳнат қилиб, ғалабага ҳисса қўшган мунис аёлларимизнинг ҳурмат-эҳтироми жойига қўйилади. Керак бўлса, Хотира ва Қадрлаш куни авлодлар ўртасидаги давомийликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

(Давоми 4-бетда).

## Ўзбекистон – Корея Республикаси:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ СОҒЛОМ НАФАСИ

**«Тонгги мусаффолик мамлакати» (Корея Республикаси жойлашган ярим орол айнан шундай деб аталади) ҳақида гап кетганда тасаввуримизда ўз гўзаллиги ва техникавий ютуқлари билан лол этадиган мамлакат пайдо бўлади. Маданияти ва турмуш тарзининг яқинлиги, меҳнатсеварлик, ўтмишга чуқур эҳтиром ва истиқбол сари дадил одимлаш ўзбек ва корейс халқларини яқинлаштириб турган фазилатлардир.**

Президент Но Му Хённинг ўзбек заминига давлат ташрифи арафасида Корея Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олиб, дипломатик муносабатлар ўрнатгани, Президент Ислом Каримов уч маротаба Кореяга сафар қилгани, 1994 йил Корея Республикасининг ўша пайтдаги Президенти Ким Ен Сам мамлакатимизга ташриф буюрганини эслаш ўринлидир. Ушбу учрашувлар давомида барча соҳалардаги ҳамкорликка мустаҳкам асос солинган.

Ҳар иккала мамлакатнинг кўплаб халқаро масалалар бўйича қарашлари тўғри келади. Икки томонлама товар айирбошлаш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўтган йили мазкур кўрсаткич 409 миллион АҚШ долларини ташкил қилди – бу 2003 йилга нисбатан қарийб бир ярим баравар кўп демакдир. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган бевосита сармояларнинг умумий миқдори 1 миллиард доллардан ошиб кетди. Республикада Жанубий Корея тадбиркорлари иштирокидаги 123 та корхона фаолият юритаяпти, улардан 23 таси ушбу мамлакатлик ҳамкорларнинг юз фоиз капиталига асосланган. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Кореянинг 31 компанияси рўйхатдан ўтган.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигининг ёрқин мисоли бўла олади. Ушбу корхона фаолияти бошланиши билан Ўзбекистон автомобиллар ишлаб чиқарадиган мамлакатлар қаторига қўшилди. Асакадаги завод билан бир қаторда бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб йўлдош-корхоналарга асос солинди. Локализация жараёни давом этмоқда ва бу юқори технологик жараёнларга асосланган минглаб янги ишчи ўринлари демакдир.

Икки мамлакат парламентлари аъзоларининг фаол мулоқотлари, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги доимий консультациялар ўзаро муносабатларнинг муваффақиятли ривожига ҳисса қўшаяпти. Икки томонлама мулоқот кўламида гуманитар соҳадаги ҳамкорлик муҳим роль ўйнамоқда. Бугун Ўзбекистон олий ўқув юртларида Жанубий кореялик 30 га яқин талаба ва аспирантлар таҳсил олишаяпти, Корея Республикасининг турли билим

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

кредитлар бериши учун ана шу банкларга шартнома асосида кредит линиялари очиш;

Жамғарма томонидан банкларга бериладиган маблағлардан фақат мақсадли фойдаланилиши мониторингини таъминлаш;

Жамғарма тушумлари ва унинг маблағларидан фойдаланишнинг йиллик ҳамда чорак балансларини шакллантириш.

2. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилади ва у юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган нотижорат ташкилот ҳисобланади;

Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши Жамғарма бошқаруви юқори органи ҳисобланади;

Жамғарманинг ижроия дирекцияси Жамғарма ижроия органи ва унинг маблағларини тасарруф этувчиси ҳисобланади;

Жамғарманинг ижрочи директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод қилинади;

Жамғарма ижроия дирекциясини таъминлаш жамғарма маблағлари ҳисобидан, Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши томонидан бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш бўйича Васийлик кенгашининг таркиби;

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси ижроия дирекциясининг бошқарув ходимлари сони 5 кишидан иборат бўлган тузилмаси;

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш механизми тўғрисидаги Низом.

4. Қуйидагилар Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгашининг функциялари этиб белгилансин:

хорижий кредитлар, инвестиция ва грантларни жалб этишда Жамғармага кўмаклашиш;

манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотларини Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилишга жалб этиш;

Жамғарма тушумлари ва унинг маблағларидан фойдаланиш прогнозларини тасдиқлаш;

банкларга бериладиган ҳар бир кредит линияси бўйича фоиз ставкасини тасдиқлаш;

Жамғарма ижроия дирекцияси фаолияти устидан, хусусан тушумлар манбаларини шакллантириш, кредит линияларини ўз вақтида очиш ва тўлаш соҳасида назоратни амалга ошириш.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

халқаро ва хорижий молия институтларининг имтиёзли узоқ муддатли кредитлари, инвестиция ва грантлари;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурида назарда тутиладиган давлат бюджети маблағлари;

ипотека кредити бериш учун банклардаги кредит линиялари бўйича фоизлар ҳисобидан ҳамда Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини қисқа муддатли давлат хазина мажбуриятларига ва банклардаги депозитларга жойлаштиришдан, шунингдек қимматли қоғозлар бозоридаги операциялардан тушадиган даромадлар;

якка тартибда уй-жой қурилиши учун ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқларини кимошди савдосида сотишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад ва тушумлар.

6. Жамғармага:

маблағларни шакллантириш манбаларини тўлдириш учун ипотека ва уй-жой облигациялари, шунингдек бошқа қимматли ипотека қоғозлари чиқариш ва сотишга, кимошди савдоларида иштирок этишга;

банкларга уч йиллик имтиёзли давр билан камида 15 йил муддатга ва Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши томонидан ҳар бир кредит линияси бўйича тасдиқланадиган фоиз ставкаси билан қайтариш асосида уй-жойларни реконструкция қилиш ва харид қилишга, шунингдек янги қурилишга ҳар бир якка тартибда қарз олувчи ҳисобига энг кам иш ҳақи миқдорининг тегишли равишда 2500 ва 3000 карра миқдорида, аммо уй-жой қурилиши, реконструкция қилиш ва харид қилиш қийматининг 75 фоизидан ошмайдиган миқдорда кредит линиялари очишга рухсат берилсин.

7. Жамғарма барча турдаги солиқлардан ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, ягона ижтимоий тўлов бундан мустаснодир.

8. Банклар маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланмаганлиги фактлари аниқланган ҳолларда ана шу аниқланган маблағнинг ҳаммаси Жамғарма билан банк ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган жарималарни қўллаган ҳолда Жамғарма ҳисобига муддатидан илгари қайтарилиши белгилаб қўйилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳисобот йилининг 1 ноябридан кечиктирмай ҳар йили Жамғармага уй-жой қурилиши учун ажратилаётган ер майдонлари ва прогноз қилинаётган йилга мўлжалланган уй-жой қурилиши ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошидаги «икки йиллик» сўзлари «уч йиллик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри 2005 йил 6 май.

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Ўзбекистон – Корея Республикаси:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ СОҒЛОМ НАФАСИ

даргоҳларида эса 130 га яқин ҳамюртларимиз ўз билимларини оширишмоқда. Тошкентда 1992 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Корея таълим маркази олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалар учун танлов асосида тил ва минтақавий стажировкалар, малака ошириш курсларини ташкил қилиб келаяпти.

Ўзбекистонда ўтган асрнинг ўрталаридан бери яшаб келаётган этник корейслар жамиятимизнинг кўзга кўринган ва ажралмас қисмига айланган. Ўзбекистонлик корейсларнинг иқтидори ва меҳнатсеварлиги уларни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида юқори мавқега эга бўлишига сабаб бўлаяпти. Шу ўринда Тошкентдаги тўртта кўча корейс номлари билан аталишини эслашнинг ўзи ҳам етарлидир.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан доимий тарзда уюштириб келинаётган Корейс маданияти ҳафталиклари доирасида турли кўргазмалар, халқ ўйинлари ва урф-одатлари намойишлари, корейс мумтоз ва эстрада мусиқаси ҳамда кинофильмлар фестиваллари ўтказилмоқда. Шуни айтиш мумкинки, корейс маданияти Ўзбекистон маданиятининг ажралмас қисмига айланиб қолди. Худди шундай фикрни ўзбек миллий ошпазлик санъатига уйғунлашиб кетган корейс таомлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Иқболжон СОЛИЕВ,
«Жаҳон» АА.

(Давоми. Боши 1-бетда).




# Энг зукко ёшлар

**«Энг зукко ёш истеъмолчи – 2005» кўрик-танловининг республика якуний босқичи ўтказилди. Унда кўрик-танловнинг шаҳар-туман ва вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган 28 нафар йигит-қиз иштирок этди.**

Кўрик-танлов иштирокчилари табрик йўллаш, амалий топшириқни ижро этиш ҳамда истеъмолчилик ҳуқуқлари борасидаги билимларини баҳолаш учун тест саволларига жавоб бериш каби шартларни бажардилар.

Танловда биринчи ўринни қўлга киритган жиззахлик Нигора Рихсиева замонавий компьютер билан тақдирланди. Иккинчи ўринни эгаллаган тошкентлик Гулбаҳор Ғаффоровага рангли телевизор топширилди. Учинчи ўрин соҳиби хоразмлик Маҳбуба Худойберганова эса сўнгги русумдаги мусиқий марказни қўлга киритди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

***СУРАТДА:*** *ғолибларни тақдирлаш пайти.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

# Ўтганларни ёдга олдилар

**Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Бўстонлиқ туманида ўтказилган тадбирда иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ва фронт ортида меҳнат қилган, шунингдек, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшган юздан зиёд фахрийлар иштирок этишди.**

Йиғилганлар бир пиёла чой устида ўтганларни хотирлашди, ҳаётларида рўй берган воқеа-ҳодисалар билан ўртоқлашишди. Уларга давлатимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

Отабек РУСТАМЖОНОВ.

# Хайрли тадбир

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон шаҳар кенгаши 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни арафасида «Аждодлар руҳи мададкор бўлсин!» тадбирини ўтказмоқда.**

Асосий эътибор шаҳардаги мавжуд қабристонларни, маҳалла кўчаларини ободонлаштиришга қаратилаяпти. Бу савобли ва хайрли ишда шаҳардаги 2-, 6-умумтаълим мактаблари ўқувчилари фаол иштирок этмоқдалар.

Лазизхон ҲАСАНОВ.

## • *Диққат, танлов!*

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси республика аёлларининг нуфузини, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш, юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокини кучайтириш, аёл зотини эъзозлаш ва улуғлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкорлар ўртасида**

# «АЁЛ ОМОН БЎЛСА...»

**мавзусида хотин-қизлар ҳаёти, ижоди, фаолияти, муаммолари, Ватанимиз равнақи йўлида қилаётган ишлари ҳақида матбуот саҳифаларида ёритилган энг яхши мақола, телекўрсатув, радиоэшиттириш ва фотокўргазмалар кўрик-танловини эълон қилади.**

Танловга Ўзбекистон аёлларининг ҳаёти, орзу ва интилишлари, ижодий зафарлари, тадбиркорлик, фан, адабиёт, таълим, санъат каби турли соҳаларда меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз ҳақидаги лавҳалар, фотокўргазмалар, кўрсатув ва радиоэшиттиришлар тақдим этилади.

Кўрик-танловга ҳавола этиладиган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар 20 дақиқадан ошмаслиги лозим. Фотосуратлар стенд тарзида тақдим этилади.

Кўрик-танлов ғолиблари рўйхати 2005 йил 27 июнь — Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами арафасида матбуот саҳифаларида эълон қилинади.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хотин-қизлар қўмиталари мазкур кўрик-танловни ўз ҳудудларида алоҳида ўтказадилар.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:**

***700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел/факс: (998-71) 139-40-12, 139-40-42, 41-58-64.***

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси.***

# Тайёргарлик қизғин

**Шу кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида болаларнинг ёзги дам олишини ҳар жиҳатдан мазмунли ўтказишни таъминлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.**

– Бир неча йиллардан буён турли сабабларга кўра ишламай келаётган оромгоҳлар аҳволини ўрганиб чиқиб, уларни болажонлар ихтиёрига топширишни мўлжалладик. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва мактаблар ҳузурида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳлар сони ҳам кўпайтирилади. 15 минг 360 нафардан зиёд бола ёзги таътилни шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда ўтказади, – дейди Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Эътибор Раҳмонова. – Қирққа яқин мактаб ҳамда касб-ҳунар коллежлари ҳузурида ташкил этиладиган оромгоҳларда тўққиз мингга яқин бола дам олади.

Ҳар йилгидек «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига, боқувчисини йўқотган ва ногирон болаларга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Оролбўйидан келадиган саккиз юз нафар ўқувчи ҳам вилоятимиз ҳудудидаги оромгоҳларда дам олади.

Мавжуд оромгоҳлар «Tashkent regional trayding» ҳамда «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниялари тизимидаги савдо ташкилотларига бириктирилган. Улар оромгоҳларни таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларига яқиндан кўмак бермоқдалар.

Соғломлаштириш ва дам олиш мавсумини сермазмун, мароқли ўтказиш кўп жиҳатдан тарбиячи ва етакчиларнинг малакасига ҳам боғлиқ. Шу боис оромгоҳларда ишлайдиган педагоглар учун махсус ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

**Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

# Ипак қурти тарқатилмоқда

**Бу йил Юқоричирчиқ туман пиллакорлари 1800 қути ипак қурти уруғини парваришлашни режалаштирганлар.**

Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилиб, мавжуд тут дарахтлари назорат остига олинди.

Шунингдек, пиллакорларни рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ипак қуртини тарқатиш пайтида нақд пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилмоқда.

**Рустам НЕЪМАТОВ.**

# Мактаб – фидойилар маскани



**Бир хил, озода мактаб формасини кийган, бўйинбоғи ўзига ярашган, кўзлари чақнаб турган одобли ўқувчилар замонавий компьютерда бемалол дастурлар тузишади, инглиз тилида баҳслашишади, профессионал санъаткорлар каби ашула айтиб, рақс ҳам тушиб беришади.**

Ўтган йили Бекобод туманидаги 6-мактабни тугатган истеъдодли ўқувчи Шоҳруҳ Абдувоҳидов Япония грантини қўлга киритиб, Токиода ўқимоқда. Мактаб ўқувчилари республика фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришишаяпти.

Педагогик жамоа мактаб моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, синф хоналари ва фан кабинетларини замонавий таълим воситалари ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозлаш тадбирларини изчил амалга оширмоқда. Айни кунларда мактаб қошида мўъжаз иссиқхона фаолият кўрсатмоқда. Тушган маблағ эса таълим-тарбия савиясини оширишга сарфланаяпти.

Мактабда давлат таълим андозасига тўла жавоб берадиган ўттизта фан кабинети, иккита энг замонавий компьютер синфи, иккита спорт зали мукаммал жиҳозланган.

— Таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак, — дейди директор Анвар Бобоев. — Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2009 йилгача бўлган давлат дастури доирасида ўқув-таълим ашёлари, дарсликлар тайёрлаш кенгайтирилаётгани айни муддао бўлди.

***СУРАТДА:*** *она тили ўқитувчиси Абдуқаюм Дўстматов дарс жараёнида.*

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

*● 2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили*

# Халқаро анжуман

**Тошкент ислом университетида «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда «Ҳадис ва ҳаёт, поклик ва саломатлик» мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.**

Унда диншунослар, тиббиёт олимлари, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари ҳамда хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирда омма орасида соғлом турмуш тарзи ҳамда санитария-гигиена ва экология маданиятини кенг тарғиб қилиш, тозалик, поклик ва саломатликни кундалик ҳаётимизнинг узвий бир қисмига айлантиришда ислом дини манбалари – Қуръони карим ва ҳадисларнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилди.

Халқимизнинг асрий қадриятларини ўзида мужассамлаштирган, кишиларни ҳалол, жисмонан ва қалбан пок яшашга, ҳамжиҳат ва аҳил бўлишга ундовчи диний-маърифий ўгитларнинг аҳамияти, жумладан, табиат ва ислом, ислом динида поклик ва саломатлик мавзуларидаги маърузалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда сўзга чиққан хорижий давлатлар дипломатик корпус вакиллари республикамизда диний соҳада амалга оширилаётган тадбирлар, буюк аждодларимиз илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича қилинаётган ишлар ҳамда уларнинг амалий натижалари ҳақида гапирдилар.

**ЎзА.**

# БИОУСУЛДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНСАК...

**Бугунги кунда ғўза ва бошоқли дон экинлари зараркунандаларига қарши курашда биологик усулнинг иқтисодий жиҳатдан тежамлилиги хусусида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ. Чунки, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган ҳар қандай мутахассис буни яхши билади. Кимёвий дори-дармонларни қўллаш катта сарф-харажатни талаб этаётган бир пайтда кўсак қурти ва ширага қарши курашда биологик усулнинг аҳамияти янада ортди. Биолабораториялар ишини ривожлантиришга ҳукумат томонидан катта эътибор берилиб, маблағ билан таъминланмоқда.**

**Шундай экан, бу имкониятдан жойларда қандай фойдаланиляпти? «Туркистон-пресс» мухбири Ҳусан Сулаймонов Ўртачирчиқ тумани, Қорасув биоунитар корхонаси раҳбари Ёдгор Жаҳонгиров билан шу ҳақда суҳбатлашди.**

**— Пахта ва буғдой етиштиришда биоусулни кенг қўллашни вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда. Биолабораториялар фаолиятига эътиборни Сиз раҳбарлик қилаётган корхонада нималарда кўриш мумкин?**

— Шу йил бошида биофабрика мустақил корхонага айлантирилиб, банкда ҳисоб рақами очилди. Иш ўринлари кўпайтирилиб, ходимларимиз сони уч кишига етди. Вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш ташкилоти лабораторияси учун керакли асбоб-анжом ва биомаҳсулот билан таъминлаб турибди. Трихограмма ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди. Тошкент аграр университети қошидаги биомарказ билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, фойдали ҳашаротларнинг оналик уруғи олиб келинмоқда. Бундан ташқари, йил бошида бешта ширкат ва қирқ бешта фермер хўжалиги билан шартнома тузиб, шу асосда иш юритиляпти. Бу йил ғўза шираси ва ғўза ширасига қарши фойдали ҳашаротлардан икки миллион дона олтинкўз, кўсак қуртига қарши бир миллион дона хаброқон, кўсак қурти билан озиқланувчи ўн икки килограмм трихограмма етиштиришни режалаштирганмиз. Бу ўтган йилдагига қараганда қарийб уч баробар кўп демакдир.

**— Ғўза ва буғдой зараркунандаларига қарши курашда кимёвий дориларга нисбатан ҳашаротларнинг афзаллиги кўпроқ нималарда кўзга ташланади?**

— Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, ғўза зараркунандалари ҳосилнинг йигирма-ўттиз фоизини нобуд қилиши мумкин экан. Агар бир гектар майдондаги зараркунандага қарши кимёвий усул қўлланилиб, тахминан 40-45 минг сўм сарфланса, биологик усулда 7000-7500 сўм кетади. Фойдали ҳашаротнинг энг мақбул томони шундаки, у мавсум охиригача ўз-ўзидан кўпайиб, қўшни майдондаги зараркунандаларга ҳам қирон келтираверади. Бундан ташқари атроф-муҳитни заҳарламайди. Кимёвий усулни қўллаганда бундай эмас. Агар дорилаш такрор ўтказиладиган бўлса, сарф-харажат ва маҳсулот таннархи ўз-ўзидан ошиб бораверади.

Биофабрика 1986 йилда Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» ширкат хўжалиги қошида ташкил топган бўлиб, бирмунча тажриба тўплаган. Ширкат хўжалиги билан мунтазам ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ғўза ва буғдой зараркунандаларига қарши курашда 1997 йилдан буён кимёвий усулдан воз кечилиб, фақат биологик усул қўлланилиб келинмоқда. Хўжаликда бу йил минг гектарга яқин майдонда ғўза, олти юз гектар майдонда буғдой парваришланмоқда. Биологик усулнинг шарофати билан хўжалик бир йилда қанча маблағни тежаб қолиши мумкинлигини ҳисоб-китоб қилиш қийин эмас.

**— Шундай экан, пахта ва буғдой етиштираётган деҳқонларимиз бу усулдан унумли фойдаланяптими?**

— Қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда биологик усулдан фойдаланиш янгилик эмас. Ҳамма гап эътиборда, масъулиятни ҳис этишда қолган. Хўжалик раҳбарлари экин майдонларига назоратчи тайинлаб, зараркунанда пайдо бўлиши билан мутахассисларни хабардор этиши зарур. Биолабораториялар фаолиятини ривожлантиришга давлат томонидан барча шароитлар яратиб берилди.

Ўртада шартнома тузилганига, маҳсулотни олиб кетиш вақти белгиланганлигига қарамай, кўпгина фермерларимиз, айрим хўжалик раҳбарлари бу ишга масъулиятсизлик билан ёндошмоқдалар. Биринчидан, энтомофак, яъни фойдали ҳашаротларнинг лабораторияда белгиланган муддатдан кўп туриб қолиши унинг таннархи ошишига сабаб бўлса, иккинчидан экин майдонларида зарарли ҳашаротларнинг пайдо бўлиши босқичи ўтиб, кўпайган паллада биоусулни қўллаш кутилган натижани бермаслиги мумкин. Албатта, биз ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Ходимларимиз хўжаликларга бориб, фермерларга биоусулни қўллашнинг қоидасини тушунтириб, тавсия беришяпти. Ҳар бир хўжаликда лаборатория фаолиятини йўлга қўйиш биоусулдан унумли фойдаланишнинг асосий омили саналади. Иккита хўжаликда очилган лабораторияга фойдали ҳашаротларнинг оналик уруғини етказиб бериб, кўмак бериб турибмиз. Мақсадимиз туманимизда ҳар бир хўжаликда биолаборатория ташкил этишдир.

# Қаламидан қадр топган



**Қаламга соҳиблик қилиш – бу қалбга соҳиблик қилиш, қадрга соҳиблик қилиш демакдир. Аввало, шуни айтиш керакки, ҳақиқий қалам эгасига Яратган тийрак нигоҳ, безовта қалб, ошуфта дил беради. Шунчаки ёзиб нафс орзу қилган мақсадга етиш мумкин, аммо дилга етиб бўлмайди. Шу бойс ҳам қалам эгаси бўлиш – дилнинг эгаси бўлиш деган сўз.**

Шукурким, Тошкент вилояти ўзининг бетакрор табиати, беназир гўзалликларининг ўз куйчиларига эга вилоятимизнинг ҳар бир тумани, ҳар бир шаҳрининг ўз алломалари, ўз мусаввирлари, ўз ҳофизлари, ўз шоиру ёзувчилари бор. Уларни бир бутун ҳолда тасаввур қилиш эртанги яратилажак тарихни, келажак авлодларга қоладиган юзлаб ёркин битикларни кўра билиш деган сўз.

Оҳангарон туманининг Қорабулоқ қишлоғида туғилиб, камол топган Нурали Абдурасулов ана шундай ўз ўрнига эга қалам соҳиби.

Инсоният тарихидан маълумки, ҳамма замонларда ҳам қалам эгалари бой-бадавлат, ўзгаларни ҳавасини келтириб яшамаганлар. Шунданми, 17-18 ёшида деярли барча шоир бўлади-ю, турмуш ташвишларини, рўзғорнинг юкини елкага олгандан кейин, кўплаб «шоирларни» кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз. Табиат ато этган истеъдодни нурлантириб бориш учун кўнгил амри, илҳом чорловчи ҳавою ҳаваслардан юз чандон баланд туриши зарур.

Нурали Абдурасулов ана шу машаққатларни енгиб ўтган, қалам кўри билан қозон қайнатиб, фарзандларини камолга етказаётган, энг муҳими касбидан барака топиб, элнинг назарига тушаётган яхши шоир, истеъдодли журналист, жафокаш раҳбар.

Албатта, тайёр иш ўрни, шаклланган жамоага раҳбарлик қилиш бошқа-ю, йўқ жойдан журналист топиб, янги газета ташкил этиш, унинг илк сонини чиқариш бошқа. Нурали Абдурасулов раҳбарлигида 1992 йили май ойида «Оҳангарон ишчиси» (ҳозирги «Оҳангарон ҳаёти») газетасининг илк сони ўқувчилар қўлига тақдим этилди. Мана ўн уч йилдан буён муҳаррир Нурали Абдурасулов ушбу газетанинг жонкуяр саркори. Қайсики муҳаррир ишни газетачиликнинг оддий хизматидан, мусаҳҳиҳликдан, мухбирликдан бошлаб, зинама-зина юксалиб борса, жамоадаги ҳар бир аъзонинг кўнглини топа билади, соғлом ижодий муҳит яратади.

Энди икки оғиз сўз шоир Нурали Абдурасулов ҳақида.

Шамолнинг шаклини кўриб бўлмаганидек, кўнгилнинг шаклини ҳам чизиш қийин. Таъбир жоиз бўлса, балки шеър кўнгилнинг шаклидир. Аммо бир байтидан қувонч, бир байтидан дард тўкилиб турган шакл. Оҳангга ўзи билан ёзилган шеър дилнинг зам-замига ўхшайди.

*Созинг чал, ҳофизим, видолардан айт,*
*Мозийдан сас берган нидолардан айт.*
*Юртига жонлари фидолардан айт,*
*Баландлаб учсинлар кўнгил қушлари,*
*Таваккал эканда дунё ишлари.*

Таваккал дунёнинг ишларидан ортолган одам шоир бўла олади. Юртига жонлари фидолар ҳақида баланд пардаларда куйлайди. Кўнглида тўкиладиган дарди бор шоирни шеър қувлаб юради.

*Умр карвони бу — кунлардир асли,*
*Бўғизда сиқилган унлардир асли.*
*Соғинчлар сиғмаган тунлардир асли,*
*Бири-бирин қувлашиб ўтиб борурлар,*
*Билмам, қайдин қайга кетиб борурлар.*

Соғинчга сиғмаган тун — кўнгилга сиғмаган армондир. Ана шу армон шеър бўлади. Гоҳида ўйлатади, гоҳида йиғлатади. Бундай шеър инсонни ўзлигини топиш учун ёқилган шамдир.

Яхши инсон ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин. Нуралини элликни қоралаб топгани энг аввало, меҳрибон оиласи, ўзига издош ўғил-қизлари, севимли газетаси, азиз жамоаси, дилбар шеърлари, энг муҳими, элнинг назари, қатордаги ўрни. Чунки, бахт бекорчи одамга боқмайди. Нурали каби ижодкорлар эса сўзимиз аввалида айтганимиздек, ҳамиша хушёр, безовта қалб соҳибидирлар. Ниятимиз, шунга кўз тегмасин.

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари.**

● Sport

## Вакилларимиз биринчи

**Чирчиқ шаҳрида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг республика босқичи якунланди.**

Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилган мазкур мусобақаларда касб-хунар-коллежлари ва академик лицейларнинг икки юзга яқин ўқувчилари спортнинг ёзги биатлон, ўқ отувчи қуроллардан фойдаланиш, нишонга отиш, турникда тортилиш, масофага югуриш, тўсиқлар оша ҳаракатланиш каби шартлар бўйича ўзаро куч синашдилар.

Натижаларга кўра Оҳангарон маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ўринга эса Тошкент шаҳри вакиллари лойиқ топилди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Фарғона вилояти ёшлари учинчи ўринни эгалладилар.

**Равшан РУСТАМОВ.**

## Чемпионат якунланди



**Самарқанд шаҳрида эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида ўтган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионатида 127 нафар спортчи иштирок этди.**

Байдаркада 1000 метрга эшкак эшиш бўйича ўтган баҳсда Тошкент вилояти вакили Сергей Борзов маррага биринчи бўлиб етиб келди. Каноэда пойтахтлик Олег Головахин биринчи ўринни қўлга киритди.

500 метрга ўтказилган пойгада фарғоналик байдаркачи Алексей Бобожонов шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Каноэда эса пойтахтлик Павел Зарков ғалаба қозонди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда байдарка ва каноэда 1000 ва 500 метрга эшкак эшиш бўйича Тошкент вилояти вакиласи Юлия Борзовага тенг келадигани топилмади.

**Қ. ҚАРШИЕВ, ЎзА мухбири.**

## Уч авлод учрашуви

**Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Тошкент туманидаги Акмал Икромов номли 19-умумтаълим мактабида уч авлод вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.**

Халқ таълими туман бўлими ва мактаб маъмурияти ташаббуси билан ўтказилган тадбирда халқ таълими соҳасида узоқ йиллар самарали ишлаган кекса авлод вакиллари, иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳамда ҳозирги кунларда ёшларга илм бераётган устоз ва мураббийлар иштирок этдилар.

Албатта, устоз муаллимларимиз меҳнатининг қадрини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Қолаверса, бу соҳада фаолият кўрсатган кекса авлод вакилларини шарафлаб, уларнинг қадру қимматини жойига қўйиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бугунги ёш авлодни тарбиялашдек муқаддас бурч аввало, устозларимиз, мураббийларимиз, муаллимларимиз зиммасида.

Ўқувчилар кекса авлод вакиллари — устозлари, отахон ва онахон мураббийларга гулдасталар тақдим этдилар. Муқимий номидаги мусиқали театрнинг бир гуруҳ санъаткорлари ижро этган дилрабо қўшиқлар кечага файз киритди.

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ● Буни ҳаёт дейдилар

Инсоннинг феъл-атвори қизиқ. Хурсанд дамларида ҳаёт нақадар гўзаллигини, вақт ғаниматлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Бошига бирор кўнгилсиз иш тушганда эса ҳаётдан нолиши оламни тутади. Мунаввар кунларни ҳам, азобли тунларни ҳам вақт даволайди, дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай...

У дунёга келган куни оилада катта тантана бўлди. Онаизорнинг орзуси ушалди. Ўғилнинг ўрни бўлакча. Оламга сиғмас ниятлар, орзу-ҳаваслар бир-бир кўз ўнгидан ўтди. Ота ундан-да шод бўлди.

У тенгдошларидан ҳар томонлама ажралиб турарди. Ўта зеҳнли, билимдон, дунёқараши кенг эди. Ота-она фарзандларидаги бу қобилиятни илғаб, пухта билим олиши учун мустаҳкам замин яратишди. Топган-тутганларини аяшмади. У анча улғайиб, забардаст, зукко, ушлаган ерини узиб оладиган йигит бўлиб етишди.

Кунлардан бир куни у тонгга яқин туш кўрди. Тушида кулранг от устида шамолдек елиб бораётганмиш. От ниҳоятда чиройли, эгар-жабдуқлари қуёш нурида камалакдек товланармиш.

Нонушта чоғи у тушини отасига айтиб, таъбирини сўради. Ота «Бу яхшилик аломати, мансаб-мартаба, улуғликдан далолат» деди. Орадан кўп фурсат ўтмай, ота башорати чинга айланди. Мансаб ҳам, давлат ҳам унинг ортидан юрди. Қўл узатган жойи унга тобе бўлди. Ютуқлар, олқишлар унга эш келди. Аммо...

Унинг юриш-туриши кун сайин ўзгара бошлади. Қондошлик, дўстлик, меҳр-оқибат, ҳатто, ота-она ҳам унинг шахсий манфаатлари олдида сариқ чақага айлана борди. Орадан йиллар ўтди. У аввал отасидан, сўнгра онасидан ажралди. Ота вафотидан кейин давлатидан, она айрилиғидан сўнг мансабидан мосуво бўлди. Бора-бора ҳазин хаёллар сурадиган, ҳаётдан ҳудабеҳуда нолийдиган бўлиб қолди.

Бир кеча яна туш кўрди. Тушида от кўрди. Фақат бу отнинг ранги оппоқ, ўзи эгар-




жабдуқсиз эмиш. У уйғонди-ю, чуқур ўйга толди: «Наҳот яна амал-мартабам, давлатим ўзимга қайтса! Тушимнинг таъбирини кимдан сўрасам экан?». У қўни-қўшни, таниш-билишларини саволга тутди. Ҳар гал уларнинг жавобларини эшитганда сесканиб кетарди. Негаки, кўрган туши хосиятсиз эмиш...

Бир вақтлар аллақайси китобда ўқигани ёдига тушди: шоду хуррам кунда ҳам, оғир, мусибатли дамларда ҳам қабристонни зиёрат қилиш инсон руҳини ғуборлардан тозалайди, кайфиятини яхшилайди. Таажжуб нега буни кеч эсладийкин?!

У қабристон томон ошиқди. Мана, ўша ота-онаси мангу ором топган жой. Қабристонга қадам қўяр-қўймас, кўнгли алланечук ҳазин тортди: «Бу ерга келмаганимга қанча вақт бўлди?» дея ўйлай кетди. Қабрлар узра ястанган турли-туман маҳобатли мармар тошларга разм сола бошлади. Тошларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиб, гўёки марҳумларнинг фарзандлари ва яқинларининг туриш-турмушидан сўзлаб тургандек эди. Айримлари қиш аёзига, ёз саратонига дош беролмай, нураб рангсизланган, айримлари тупроққа чўккан ёки ўт-ўланлар орасида қолиб кетганди. Аксарияти эса «Мен сендан қолмайман!» қабилидаги кимўзар учун ўрнатилгани сезилиб турарди.

У кўнглига бир ният тугди: «Агар мармартош қўйиш фарзанд учун бурч бўлса, қўйганим бўлсин».

Кўп ўтмай, қабристонда яна иккита маҳобатли мармартош пайдо бўлди. У қабристондан чиқар экан, дилидагиси тилига кўчиб, паст товушда ўқий кетди:

*Бешак, билинг, бу дунё барча*
*элдан ўтаро,*
*Инонмагин молингга, бир кун*
*қўлдан кетаро.*
*Ота-она, қариндош*
*қаён кетди, фикр қил,*
*Тўрт оёқли чубун от бир кун*
*сенга етаро.*

Вақтни энг олий ҳакам, ҳар дарднинг давоси дейишади. Лекин у ҳеч қачон қалб ярасига малҳам бўлолган эмас. Фарзандларнинг ота-оналари олдидаги бурчи тош билан ўлчанмайди, гарчи у мармар бўлса ҳам. Ахир айтадилар-ку, кенгга кенг дунё, торга тор дунё, деб...

**Асрор СУЛАЙМОНОВ.**


«Respublika Ko`chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo`limi» масъулияти чекланган жамияти Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиалига ўтказилаётганлиги сабабли

**ТУГАТИЛМОҚДА.**

Барча мурожаатлар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй ва 133-28-52, 133-77-18 телефонлари орқали қабул қилинади.



Тошкент ҳақиқати
Ташкентская правда

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-344. Адади 5844. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6